

Ўзбекистон Республикаси номидан
ХАЛ ҚИЛУВ ҚАРОРИ

Самарқанд шаҳри

2023 йил 05 июль

Самарқанд шаҳар иқтисодий судининг судьяси К.И.Тухтаев раислигида, судья ёрдамчиси М.Узоқовнинг котиблигида, даъвогар [REDACTED]нинг жавобгар «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамиятига нисбатан берган даъво аризаси бўйича иқтисодий ишни Самарқанд шаҳар иқтисодий суди биносида очик суд мажлисида, даъвогар вакили С.Бабажанов (25.04.2023 йилдаги 01/2134-сонли ишончнома асосида), [REDACTED] етакчи инспектори А.Зиёев, жавобгар «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти вакили Н.Жалолов (09.01.2023 йилдаги 09/01-3-сонли ишончнома асосида) иштирокида кўриб чиқиб қуйидагиларни-

А Н И Қ Л А Д И :

Самарқанд шаҳар иқтисодий судига даъвогар [REDACTED] даъво аризаси билан мурожаат қилиб, жавобгар «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти томонидан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, “Ифтихор” МФЙ ҳудудида жойлашган қурилиши бошланган биноларни демонтаж қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилишни сўраган.

Суд мажлисида даъвогар вакили С.Бабажанов, А.Зиёев жавобгар «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти томонидан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, “Ифтихор” МФЙ ҳудудида жойлашган қурилиши бошланган биноларни демонтаж қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилишни сўради.

Суд мажлисида жавобгар «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти вакили Н.Жалолов даъвогарнинг даъвоси асосизлигини, қурилишга рухсат берувчи барча ҳужжатлар мавжудлигини билдириб, мазкур объект Давлат дастури бўйича қурилаётганлигини инobatга олиб, даъвони қаноатлантиришни рад этишни сўради.

Суд, тарафлар вакилининг тушунтиришларини тинглаб, ишдаги ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, ишдаги ҳужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, қуйидаги асосларга кўра даъвони тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Ишдаги ҳужжатлардан ва суд жараёнида аниқланган ҳолатлардан маълум бўлишича, [REDACTED] томонидан 16.10.2022 йилдаги 54/Т-сонли “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти юзасидан қисқа муддатли текширув ўтказиш тўғрисида”ги буйруғига асосан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри “Ифтихор” МФЙ ҳудудида жойлашган «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган қурилиши бошланган объектда ўрганиш ўтказилган.

Ўрганишда «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти томонидан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, “Ифтихор” МФЙ ҳудудида қурилишга рухсат берувчи ҳужжатларни тўлиқ расмийлаштирмасдан, қурилиш объектини рўйхатдан ўтказмасдан давлат - хусусий шерикчилик асосида кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиши ишларини олиб бораётганлиги аниқланган.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 20.04.2020 йилдаги “Қурилиш соҳасига оид ягона маъмурий қурилиш регламентларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 200-сонли Қарори билан “Қурилиш монтаж ишларини бошлаш учун объектни рўйхатдан ўтказиш бўйича давлат хизматлари кўрсатишнинг маъмурий регламенти” тасдиқланган.

Мазкур Регламентнинг 5-бандидага мувофиқ қурилиш объектини рўйхатдан ўтказмасдан қурилиш ишларини амалга ошириш тақиқланади.

«[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти томонидан қайд этилган манзилда 12 ва 16 қаватли бинолар қурилиш объектини рўйхатдан ўтказмасдан қурилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 05.02.2020 йилдаги “Қурилиш-монтаж ишлари сифатини тубдан яхшилаш ва қурилишни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш чоралари тўғрисида”ги 4586-ПҚ-сонли Қарорининг иккинчи бандига мувофиқ инспекция ва ҳудудий инспекцияларга бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш, бино ва иншоотларнинг зилзилага бардошлилигига таъсир қилувчи, шунингдек, инсон саломатлиги ва ҳаётига таҳдид солувчи конструктив ҳуқуқбузарликлар аниқланган ҳолатларда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб туриш ва демонтаж ишларини амалга оширишни талаб қилиш, қонун ҳужжатларида назарда тутилган қурилиш соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомилларига риоя қилинмаган ҳамда аниқланган ҳуқуқбузарликларни бартараф этиш бўйича камида иккита кўрсатма бажарилмаган тақдирда қурилиш-монтаж ишларини тўхтатиб қўйиш ва демонтаж ишларини амалга ошириш тўғрисидаги даъво билан судга мурожаат қилиш ҳуқуқи берилган.

[REDACTED] томонидан «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамиятига 14.02.2023 йилда 22-сонли огоҳлантириш хати билан мурожаат қилиб, қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш сўралган. Қурилиш объекти рўйхатдан ўтказилмаган.

[REDACTED] томонидан «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамиятига 03.03.2023 йилда 1020-сонли ёзма кўрсатма берилган бўлиб, унда сифатсиз бажарилган қурилиш – таъмирлаш ишларини демонтаж қилиш сўралган. Қурилиш меъёрий ҳужжатларига зид равишда қурилиган деворлар демонтаж қилинмаган.

«[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти раҳбари С.Худойбердиевга нисбатан 03.03.2023 йилда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида 122-сонли баённома расмийлаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 212-моддасида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда қурилиш мақсадлари учун ажратилмаган ер участкаларида, шунингдек иморат қуриш учун зарур рухсатнома олмасдан ёки архитектура ва қурилиш нормалари ҳамда қоидаларини жиддий бузган ҳолда қурилган уй-жой, бошқа бино, иншоот ёки ўзга кўчмас мулк ўзбошимчалик билан қурилган иморат ҳисобланиши, ўзбошимчалик билан иморат қурган шахс унга мулк ҳуқуқини ололмаслиги, ўзбошимчалик билан иморат қуриш натижасида ҳуқуқлари бузилган шахснинг ёки тегишли давлат органининг даъвоси билан бундай иморат суднинг қарорига биноан иморатни қурган шахс томонидан ёки унинг ҳисобидан бузиб ташланиши лозимлиги белгиланган.

Шунинг учун даъво аризаси билан мурожаат қилиниб, жавобгар «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти томонидан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, “Ифтихор” МФЙ ҳудудида жойлашган қурилиши бошланган биноларни демонтаж қилиш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилиш сўралган.



Суд мажлисида жавобгар вакили Н.Жалолов томонидан қурилишга рухсат берувчи хужжатлар, жумладан АПЗ тасдиқланганлиги, объект бўйича йиғма эксперт хулосаси олинганлигини тасдиқловчи хужжатлар тақдим этилиб, объект Давлат дастури доирасида қурилаётганлиги билдирилиб, даъвони қаноатлантиришни рад этиш сўралди.

Жавобгар томонидан қурилишга рухсат берувчи барча хужжатлар тўлиқ расмийлаштирилганлигини тасдиқловчи далиллар тақдим этилмади.

Жавобгар вакилининг билдирган эътирозларидаги вазлари тегишли далиллар билан тасдиқланмади.

Суд, инспекция ходимлари томонидан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри “Ифтихор” МФЙ ҳудудида жойлашган «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамиятига тегишли бўлган қурилиши бошланган объектда ўрганиш ўтказганлигини, ўрганишда жавобгар томонидан қурилишга рухсат берувчи хужжатларни тўлиқ расмийлаштирамасдан, қурилиш объектини рўйхатдан ўтказмасдан давлат - хусусий шерикчилик асосида кўп қаватли турар-жой бинолари қурилиши ишлари олиб борилаётганлиги аниқланганлигини, жавобгарга 14.02.2023 йилда 22-сонли огоҳлантириш хати билан мурожаат қилиниб, қурилиш объектини рўйхатдан ўтказиш сўралганлигини, қурилиш объекти рўйхатдан ўтказилмаганлигини, жавобгарга 03.03.2023 йилда 1020-сонли ёзма кўрсатма берилганлигини, сифатсиз бажарилган қурилиш – таъмирлаш ишларини демонтаж қилиш сўралганлигини, қурилиш меъёрий хужжатларига зид равишда қурилган деворлар демонтаж қилинмаганлигини, жамият раҳбари С.Худойбердиевга нисбатан 03.03.2023 йилда маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида 122-сонли баённома расмийлаштирилганлигини инobatга олиб, даъвогарнинг даъво тегишли далиллар билан тасдиқланган деб ҳисоблаб, даъвони тўлиқ қаноатлантиришни лозим деб ҳисоблайди.

Бундай ҳолатда, суд иш хужжатларини текшириб чиқиб, тарафлар вакилининг кўргазмасини тинглаб, ишдаги хужжатларга ҳуқуқий баҳо берган ҳолда, даъвони қаноатлантиришни, «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти томонидан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, “Ифтихор” МФЙ ҳудудида жойлашган қурилиши бошланган биноларни ўзининг ҳисобидан демонтаж қилишни, суд харажатларини муҳокама қилиб, ундирилиши лозим бўлган 3 300 000 сўм давлат божи, 33 000 сўм почта харажати жавобгар «[REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти зиммасига юклашни лозим деб топди.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий процессуал кодексининг 118, 176-179, 184, 186-моддаларига асосланиб суд-,

Қ А Р О Р Қ И Л Д И :

Даъво тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жавобгар [REDACTED]» масъулияти чекланган жамияти томонидан Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳри, “Ифтихор” МФЙ ҳудудида жойлашган қурилиши бошланган бинолар ўзининг ҳисобидан бир ойлик муддат ичида демонтаж қилинсин.

Жавобгар [REDACTED]» масъулияти чекланган жамиятидан Республика бюджети (Суд ҳокимиятини ривожлантириш жамғармаси)га 3 300 000 сўм давлат божи, даъвогар [REDACTED] фойдасига 33 000 сўм почта харажати ундирилсин.

Ҳал қилув қароридан норози бўлган тараф ҳал қилув қарори қабул қилинган кундан бошлаб, бир ой муддат ичида Самарқанд шаҳар иқтисодий суди орқали Самарқанд вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов хайъатига апелляция шикоят (протести) бериши мумкин.

Судья

К.И.Тухтаев

